

**«Asaka yog'» акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдаги умумий йиғилиши
Б А Ё Н И**

Акциядорларнинг навбатдаги умумий
йиғилиши 2018 йил 12 май куни жамият
мажлислар хонасида ўтказилди (Манзил:
Андижон вилояти Асака тумани, Каравонсарой кўчаси, 5 уй.).

АЖ томонидан муомалага чиқарилган жами 4313130 дона оддий акциялар тўла жойлаштирилган.

Жамият кузатув кенгаши раиси Б.Рузматов кун тартибидаги **биринчи** ва **иккинчи** масалалар бўйича сўз олиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини ҳаракатдаги қонунчиликлар билан белгиланган тартиблар асосида ўтказилишини таъминлаш мақсадида йиғилиш регламентини белгилаб олиш, йиғилиш раиси, котиби ҳамда йиғилиш ваколатини аниқлаш ва овоз бериш яқунларини санаб чиқариш учун санок комиссияси аъзоларини сайлаб олиш кераклигини билдириб, кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқувчи шахсларга 10 минутдан вақт беришни ҳамда саволлар мавжуд бўлса барча маърузачиларнинг маърузасидан сўнг беришни, шунингдек, йиғилиш раёсатига Ш.Омаров, А.Содиқов ва Б.Рузматовларни, йиғилиш раислигига Б.Рузматовни, йиғилиш котиблигига Н.Умарова, санок комиссиясига 3 киши яъни Ш.Усманов, А.Назаров ва У.Сулаймоновлар номзодларини таклиф этди.

Ушбу таклифлар овозга қўйилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан берилган овозларга асосан, бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раёсатини ўз ўринларини эгаллаш ва санок комиссия аъзоларига йиғилиш ваколатини аниқлаш сўралди.

Санок комиссияси аъзоларининг ҳисоботи яқунга кўра, жамиятнинг жами муомалага чиқарилган акцияларининг сони **4313130** дона бўлиб, умумий йиғилишда иштирок этиш учун тузилган акциядорларни қайд этиш рўйхатига кўра, акциядорларни қайд этиш яқуни бўйича жами нафар акциядор ўзларининг ихтиёридаги **3986140** дона оддий овозга эга акциялари билан рўйхатдан ўтган. Умумий йиғилишнинг ваколати (кворуми) **92,4** фоизни ташкил этади.

Юқоридагиларга ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига асосан, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида белгиланган ваколат (кворум) мавжудлиги муносабати билан, умумий йиғилишнинг очик деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси Б.Рузматов сўзини давом эттириб, акциядорларнинг 2017 йил яқунларига бағишланган навбатдаги йиғилиши кун тартиби билан акциядорларни таништирди.

КУН ТАРТИБИ

1. Жамият акциядорларининг 2017 йил яқунлари бўйича йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
2. Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
3. Жамият бошқаруви раисининг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари ва Бизнес-режа параметрларининг бажарилиш ҳолати юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш;
4. Жамиятнинг 2017 йилдаги молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамият йиллик ҳисоботини, шу жумладан, баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;
5. Жамиятнинг 2017 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик текшируви ҳисоботини тасдиқлаш;
6. Жамиятнинг 2018 йилги молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотларидан берилган таклифларини кўриб чиқиш ва аудитор ташкилотига тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш;
7. 2017 йил яқунлари бўйича жамият тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш;
8. Жамиятнинг 2017-йил молия-хўжалик фаолияти яқуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимоти, дивиденд миқдори, тўлаш тартиби ва муддатини белгилаш;
9. Жамият кузатув кенгашининг 2017 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;

10. Жамият ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси)ни сайлаш;
11. Жамият кузатув кенгаши аъзолари таркибини сайлаш;
12. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари таркибини сайлаш;
13. 2017 йилда жамиятда Корпоратив бошқарув тамойиллари ижросини баҳолаш юзасидан “Идрок” МЧЖ томонидан берилган хулосаси тўғрисида;
14. Жамият Низоми ва ички корпоратив ҳужжатларини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Кун тартибидаги учинчи масала яъни Жамият бошқаруви раисининг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари ва Бизнес-режа параметрларининг бажарилиш ҳолати юзасидан ҳисоботи бўйича сўз жамият бошқарув раиси вазифасини бажарувчи А.Содиқовга берилди. А.Содиқов жамият ижроия органи томонидан 2017 йил мобайнида амалга оширилган молия-хўжалик фаолияти ҳамда бизнес-режа билан белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан тўла ҳисобот берди (*А.Содиқовнинг ҳисоботи илова этилади*).

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёклаб:- 3986140 дона акциялар ёки 100 фоиз; Қаршилар:-йўқ, Бетарафлар:-йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала яъни Жамиятнинг 2017 йилдаги молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамият йиллик ҳисоботини, шу жумладан, баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш бўйича сўз жамият бош ҳисобчиси Х.Курбонов берилди. У ўз сўзида 2017 молия-хўжалик йили фаолияти якуни бўйича жамиятнинг йиллик ҳисоботи, шу жумладан, баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлари билан акциядорларни тўла таништирди (*Х.Курбоновнинг ҳисоботи ва молиявий ҳужжатлар илова этилади*).

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёклаб:- 3986140 дона акциялар ёки 100 фоиз; Қаршилар:-йўқ, Бетарафлар:-йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала яъни жамиятнинг 2017 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик текшируви ҳисоботи бўйича сўз «ERKIN-AUDIT XXI» МЧЖ раҳбари Ш.Хусановга берилди. У ўз сўзида «Asaka yog'» АЖда «ERKIN-AUDIT XXI» МЧЖ аудиторлик корхонаси томонидан жамиятнинг 2017 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик текшируви ўтказилганлигини маълум қилиб, акциядорларни мазкур аудиторлик текширилуви якуни бўйича тузилган далолатнома ва хулоса билан таништирди (*аудиторлик корхонасининг текширув далолатномаси ҳамда хулосаси илова этилади*).

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:Ёклаб:- 3986140 дона акциялар ёки 100 фоиз; Қаршилар:-йўқ, Бетарафлар:-йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала яъни жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш юзасидан, аудиторлик ташкилотларидан берилган таклифларини кўриб чиқиш ва тасдиқланган аудитор ташкилотига тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш бўйича сўз А.Содиқовга берилди. У ўз сўзида жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш юзасидан бир неча аудиторлик ташкилотларидан, жумладан Андижон шаҳридаги "ZIYO-AUDIT" МЧЖ (22.0 млн.сўм), “Erkin-Audit XXI” (18 млн.сўм) ва "AUDIT-UMMON" МЧЖ(25.0 млн.сум) ҳамда Тошкент шаҳридаги "PROFI AUDIT " МЧЖ (20.0 млн.сўм)дан таклифлар берилганлигини маълум қилди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:

«ERKIN-AUDIT XXI» МЧЖни ёклаб 3986140 дона акциялар ёки 100 фоиз; Қаршилар:-йўқ, Бетарафлар:-йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала яъни жамиятнинг 2017 йил яқунлари бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш бўйича сўз Д.Маруповга берди. У ўз сўзида жамият тафтиш комиссиясининг 2017 йил яқунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (*тафтиш комиссиясининг ҳисоботи илова этилади*).

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёклаб:- 3986140 дона акциялар ёки 100 фоиз; Қаршилар:-йўқ, Бетарафлар:-йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилиш раиси Б.Рузматов олиб, жамият 2017 йил якунлари бўйича олган 1 055 379,0 минг сўм соф фойдасини жамият кузатув кенгаши аъзоларининг 2017 йил 24 майдаги йиғилишида маъқулланганлигини инобатга олиб, қуйидагича тақсимот қилишни, яъни соф фойданинг:

- 5.0 фоиз ёки 52 768,95 минг сўмини захира жамғармасига;
- 50.0 фоиз ёки 527 711,4 минг сўмини акциядорларга дивиденд тўловига (хар бир дона акцияга 122 сўм 35 тийиндан) йўналтиришга;
- 45.0 фоиз ёки 474 898,65 минг сўмни жамиятнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобида қолдириш ва келгусида жамият устав фондини капитализация қилиш (қўшимча акция чиқариш) йўли билан кўпайтиришга йўналтиришга.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёклаб:- 3986140 дона акциялар ёки 100 фоиз; Қаршилар:-йўқ, Бетарафлар:-йўқ.

Йиғилиш раиси сўзини давом эттириб, жамиятнинг жойлаштирилган **4313130** дона акциялар эгаларининг хар бир акциясига **122,35** сўмдан дивиденд тўлашни, дивидендларни “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларига биноан умумий йиғилишда тасдиқланиб эълон қилинган кундан эътиборан **60 (олтмиш)** кун ичида тўлашни таклиф этди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёклаб:- 3986140 дона акциялар ёки 100 фоиз; Қаршилар:-йўқ, Бетарафлар:-йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала яъни жамият кузатув кенгашининг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботи бўйича сўзни кузатув кенгаши раиси Б.Рузматов олиб, жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан 2017 йил мобайнида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди. Жумладан, кузатув кенгаши аъзоларининг йиғилиши хар чорак якунлари бўйича ўтказилиб, йиғилишларда бизнес режа параметерларининг бажарилиш бўйича бошқарувнинг ҳисоботлари кўриб чиқилганлигини, ички аудит ва тафтиш комиссияси ҳисоботлари кўриб чиқилганлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони талабларининг ижро этилиши масалалари ва жамиятнинг фаолиятига оид бошқа масалалар кўриб чиқилганлигини маълум қилди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёклаб:- 3986140 дона акциялар ёки 100 фоиз; Қаршилар:-йўқ, Бетарафлар:-йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала яъни Жамият ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси)ни сайлаш масаласи бўйича сўзни Б.С.Рузматов олиб, белгиланган қонунчилик талаблари ва жамиятнинг низомларига мувофиқ жамият ижроия органи раҳбари лавозимига танлов ўтказилганлигини, танлов натижаларига кўра кузатув кенгаши аъзоларининг қарори билан жамият ижроия органи раҳбари лавозимига А.Д.Содиқов ғолиб деб топилганлигини маълум қилиб, «Asaka yog'» акциядорлик жамияти бошқарув раиси лавозимига А.Д.Содиқовни тасдиқлашни таклиф этди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёклаб:- 3986140 дона акциялар ёки 100 фоиз; Қаршилар:-йўқ, Бетарафлар:-йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала яъни жамият кузатув кенгаши аъзолари таркибини сайлаш бўйича ҳам Б.Рузматов сўз олиб, жамият кузатув кенгаши аъзолари таркибига Маматов Ш.К, Соатов О.Б, А.С.Дияров, М.А.Хван ва Б.С.Рузматовларни сайлаш таклиф этилаётганлигини маълум қилиб, мазкур шахслар бир йилдан бери жамият кузатув кенгаши аъзоси таркибида

самарали фаолият кўрсатиб келаётганликларини билдириб, мазкур шахслар бўйича маълумотларни ўқиб эшиттирди. Сўзини давом эттириб, Кузатов кенгаши аъзоларини сайлашда овоз бериш куммулятив тарзда амалга оширилиши лозимлигини эслатиб, кўрсатилган номзодларни тасдиқлашни таклиф этди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ш.К.Маматов - Ёклуб:- 5456920 дона акциялар ёки 27,38 фоиз; Қаршилар ва Бетарафлар йўқ.
О.Б.Соатов - Ёклуб:- 5456920 дона акциялар ёки 27,38 фоиз; Қаршилар ва Бетарафлар йўқ.
А.С.Дияров - Ёклуб:- 5456920 дона акциялар ёки 27,38 фоиз; Қаршилар ва Бетарафлар йўқ.
Б.С.Рузматов - Ёклуб:- 1779970 дона акциялар ёки 8,93 фоиз; Қаршилар ва Бетарафлар йўқ.
М.А.Хван - Ёклуб:- 1779970 дона акциялар ёки 8,93 фоиз; Қаршилар ва Бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала яъни жамият тафтиш комиссияси аъзолари таркибини сайлаш бўйича Б.Рузматов сўзга чиқиб, Тафтиш комиссия таркибига Маматкулов Д.А., Назаров О.О. ва Марупов Д.ларни сайлаш таклиф этилаётганлигини маълум қилиб, мазкур шахслар бўйича маълумотларни ўқиб эшиттирди. Сўзини давом эттириб, тафтиш комиссияси аъзоларини сайлашда овоз бериш оддий тарзда амалга оширилиши лозимлигини эслатиб, кўрсатилган номзодларни тасдиқлашни таклиф этди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:

Д.А.Маматкулов-Ёклуб:- 3986140 дона акциялар ёки 11,90 фоиз; Қарши ва Бетарафлар йўқ.
О.О.Назаров - Ёклуб:- 3986140 дона акциялар ёки 11,90 фоиз; Қарши ва Бетарафлар йўқ.
Д.Марупов - Ёклуб:- 3986140 дона акциялар ёки 11,90 фоиз; Қарши ва Бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учунчи масала яъни 2017 йилда жамиятда Корпоратив бошқарув тамойиллари ижросини баҳолаш юзасидан “Идрок” МЧЖ томонидан берилган хулосаси бўйича Б.Рузматов сўзга чиқиб, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва “Корпоратив бошқарув кодекси” талаблари асосида жамиятнинг очиқлиги, шаффофлигини ва жамиятда корпоратив бошқарув тамойиллари ижроси юзасидан “Идрок” МЧЖ томонидан ўрганиш ўтказилиб хулоса ва тегишли таклифлифлар берилганлигини маълум қилди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёклуб:- 3716930 дона акциялар ёки 100 фоиз; Қаршилар:-йўқ, Бетарафлар:-йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала яъни Жамият Низоми ва ички корпоратив ҳужжатларини янги таҳрирда тасдиқлаш масаласи бўйича Б.Рузматов сўзга чиқиб, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 24-сонли Қарори ҳамда “Корпоратив бошқарув кодекси”ларининг талабларини инобатга олиб, жамиятнинг янги таҳрирдаги Низоми ва ички корпоратив ҳужжатлари ишлаб чиқилганлигини маълум қилиб, улар билан йиғилиш иштирокчиларинини таништирди ва мазкур ҳужжатларни тасдиқлашни таклиф этди (янги таҳрирдаги Низоми ва ички корпоратив ҳужжатлар).

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёклуб:- 3716930 дона акциялар ёки 100 фоиз; Қаршилар:-йўқ, Бетарафлар:-йўқ.

Кун тартибидаги масалалар бўйича йиғилиш раиси Б.Рузматов, санок комиссиясининг овоз бериш натижалари бўйича баённомасини ўқиб эшиттирди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1.Акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида берилган барча таклиф, мулоҳаза ҳамда маълумотлар инобатга олинсин.

2.Жамият бошқаруви раисининг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари ва Бизнес-режа параметрларининг бажарилиш ҳолати юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш қоникарли деб топилсин ва тасдиқлансин.

3.Жамиятнинг 2017 йилдаги молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамият йиллик ҳисоботини, шу жумладан, баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлансин.

4.«ERKIN-AUDIT XXI» МЧЖ аудиторлик корхонаси томонидан жамиятнинг 2017 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказган аудиторлик текшируви ва унинг ҳулосаси тасдиқлансин.

5.Жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун «ERKIN-AUDIT XXI» МЧЖ тасдиқлансин ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдори 18.0 (ун саккиз) миллион сўм миқдорида белгилансин.

6.Жамият тафтиш комиссиясининг 2017 йил яқунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

7.Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича олган 1 055 379,0 минг сўмлик соф фойдаси тасдиқлансин ва қуйидагича тақсимот қилинсин:

- 5.0 фоиз ёки 52 768,95 минг сўм захира жамғармасига;

- 50.0 фоиз ёки 527 711,4 минг сўм акциядорларга дивиденд тўловларини (хар бир дона акцияга 122 сўм 35 тийиндан) амалга ошириш учун;

- 45.0 фоиз ёки 474 898,65 минг сўми жамиятнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобида қолдирилсин ва келгусида жамият устав фондини капитализация қилиш (қўшимча акция чиқариш) йўли билан кўпайтиришга йуналтирилсин.

8.Жамиятнинг жойлаштирилган **4313130** дона акциялар эгаларининг хар бир акциясига **122,35** сўмдан дивиденд тўлансин.

Дивидендлар мазкур йиғилиш қарорига асосан, эълон қилинган кундан эътиборан **60 (олтмиш)** кун ичида акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда тўланиши таъминлансин.

9.Жамият кузатув кенгашининг 2017 йил яқунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

10.Жамият ижроия органи раҳбари лавозимига ўтказилган танлов натижаларига кўра кузатув кенгаши аъзоларининг қарори билан жамият ижроия органи раҳбари лавозимига А.Д.Содиқов голиб деб топилганлиги маъқуллансин.

«Asaka yug'» акциядорлик жамияти бошқарув раиси лавозимига А.Д.Содиқов тасдиқлансин.

11.Жамият кузатув кенгаши аъзолари таркибига Б.Рузматов, Ш.К.Маматов, О.Б.Соатов, А.С.Дияров ва М.А.Хванлар сайланганлиги тасдиқлансин.

12.Жамият тафтиш комиссияси аъзолари таркибига Д.А.Маматкулов, О.О.Назаров ва Д.Маруповлар сайланганлиги тасдиқлансин.

13.“Идрок” МЧЖ томонидан 2017 йил мобайнида жамиятда Корпоратив бошқарув тамойиллари ижросини амалга ошириш юзасидан берилган ҳулоса ва тегишли таклифлар тасдиқлансин.

Жамият бошқарув раиси А.Содиқов ва соҳага оид мутахассисларга “Идрок” МЧЖ томонидан берилган “Ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш ишлари якуни бўйича жамиятда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар”да кўрсатилган ҳолатларни жамиятга жорий этиш юзасидан тегишли чоралар кўриш вазифаси юклатилсин.

14.Жамиятнинг янги тахрирдаги Низоми ва ички корпоратив ҳужжатлари тасдиқлансин.

Жамият бошқарув раиси А.Содиқовга жамиятнинг янги тахрирдаги уставини қисқа муддатларда давлат органидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

15.Мазкур йиғилиш томонидан қабул қилинган қарор, ахборот ва маълумотларни жамиятнинг ва ваколатли давлат органининг веб сайтыга жойлаштириш орқали ошкор этиш таъминлансин.

16.Ушбу умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларни ижро этиш вазифаси жамият раиси А.Содиқовга, назорати жамият кузатув кенгашига юклатилсин.

Йиғилиш раиси

Б.Рузматов

Йиғилиш котиби

Н.Умарова

Баён тузилган сана:
21.05.2018 йил